

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИ
ХУЗУРИДАГИ ФАН ВА ТЕХНОЛОГИЯЛАРНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИ
МУВОФИҚЛАШТИРИШ ҚўМИТАСИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МЕҲНАТ ВА АҲОЛИНИ
ИЖТИМОЙ МУХОФАЗА ҚИЛИШ ВАЗИРЛИГИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МОЛИЯ ВАЗИРЛИГИНИНГ
ҶАРОРИ

530 Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 18 августдаги 233-сон қарори билан тасдиқланган Бюджет маблағлари ҳисобига фундаментал, амалий тадқиқотлар ва инновацион ишларнинг илмий-техника дастурларини амалга оширишда қатнашувчи илмий-тадқиқот муассасалари илмий ва раҳбар ходимларининг базавий лавозим маошлари микдорларига ўзгартиришлар киритиш тӯғрисида

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2015 йил 13 октябрда рўйхатдан ўtkазилди, рўйхат рақами 2717

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 26 августдаги ПФ-4751-сон «Иш ҳақи, пенсиялар, стипендиялар ва нафақалар микдорини ошириш тӯғрисида»ги Фармони ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 18 августдаги 233-сон «Илмий ходимлар меҳнатини янада рағбатлантириш чора-тадбирлари тӯғрисида»ги қарорини бажариш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Фан ва технологияларни ривожлантаришни мувофикаштириш қўмитаси, Мехнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги ва Молия вазирлиги қарор қиласидар:

1. Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 18 августдаги 233-сон қарори билан тасдиқланган Бюджет маблағлари ҳисобига фундаментал, амалий тадқиқотлар ва инновацион ишларнинг илмий-техника дастурларини амалга оширишда қатнашувчи илмий-тадқиқот муассасалари илмий ва раҳбар ходимларининг базавий лавозим маошлари микдорларига ўзгартиришлар киритилиб, иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Бюджет маблағлари ҳисобига фундаментал, амалий тадқиқотлар ва инновацион ишларнинг илмий-техника дастурларини амалга оширишда қатнашувчи илмий-тадқиқот ва таълим муассасалари 2015 йил 1 сентябрдан илмий ва раҳбар ходимларнинг базавий лавозим маошлари микдорлари ўзгарганигини ҳисобга олиб иш ҳақларини қайта ҳисоблаб тўланишини таъминласинлар.

3. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Фан ва технологияларни ривожлантаришни мувофикаштириш қўмитаси, Мехнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги ва Молия вазирлигининг 2014 йил 25 декабрдаги 13, 32-қ/қ ва 85-сон «Вазирлар Маҳкамасининг

41 (697)-сон

— 51 —

530-модда

2009 йил 18 августдаги 233-сон қарори билан тасдиқланган Бюджет маблағлари ҳисобига фундаментал, амалий тадқиқотлар ва инновацион ишларнинг илмий-техника дастурларини амалга оширишда қатнашувчи илмий-тадқиқот муассасалари илмий ва раҳбар ходимларининг базавий лавозим маошлари микдорларига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида»ги қарори (рўйхат рақами 2644, 2014 йил 30 декабрь) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлар тўплами, 2014 й., 52(I)-сон, 644-модда) ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

4. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Фан
ва технологияларни ривожлантиришни
мувофиқлаштириш қўмитаси раиси Ш. САЛИХОВ**

Тошкент ш.,
2015 йил 7 октябрь,
5-сон

**Меҳнат ва аҳолини ижтимоий
муҳофаза қилиш вазири**

А. АБДУҲАКИМОВ

Тошкент ш.,
2015 йил 7 октябрь,
40-сон

Молия вазири

Р. АЗИМОВ

Тошкент ш.,
2015 йил 7 октябрь,
88-сон

Ўзбекистон Республикаси

Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Фан ва
технологияларни ривожлантириши мувофиқ-
лаштириш қўмитаси, Мехнат ва ахолини
ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги ва
Молия вазирлигининг 2015 йил 7 октябрдаги
5, 40, 88-сон қарорига

ИЛОВА

**Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 18 августдаги 233-сон
қарори билан тасдиқланган Бюджет маблағлари ҳисобига
фундаментал, амалий тадқиқотлар ва инновацион ишларнинг
илмий-техника дастурларини амалга оширишда қатнашувчи
илмий-тадқиқот муассасалари илмий ва раҳбар
ходимларининг базавий лавозим маошлари
МИҚДОРЛАРИ**

T/р	Лавозимларнинг номи	Базавий лавозим маошларининг микдори, сўм
1.	Институт директори	
	профессор	2 013 259
	фан доктори	1 931 466
	фан номзоди	1 850 121
2.	Директорнинг илмий ишлар бўйича ўринбосари, институт ва бошқа илмий муассасалар фили- лининг директори	
	профессор	1 850 121
	фан доктори	1 784 388
	фан номзоди	1 704 558
3.	Институтнинг илмий котиби, Илмий-тадқиқот лабораторияси (бўлим) мудири	
	фан доктори ёки профессор	1 784 388
	катта илмий ходим ёки доцент илмий унвонига эга бўлган фан номзоди	1 704 558
	илмий унвонга эга бўлмаган фан номзоди	1 639 270
4.	Филиал ва бошқа илмий муассасалар директори- нинг илмий ишлар бўйича ўринбосари	
	фан доктори ёки профессор	1 704 558
	катта илмий ходим ёки доцент илмий унвонига эга бўлган фан номзоди	1 639 270
	илмий унвонга эга бўлмаган фан номзоди	1 573 614
5.	Бош илмий ходим	
	профессор илмий унвонига эга бўлган фан доктори	1 704 558

T/p	Лавозимларнинг номи	Базавий лавозим маошларининг миқдори, сўм
	катта илмий ходим ёки доцент илмий унвонига эга бўлган фан доктори	1 639 270
	илмий унвонга эга бўлмаган фан доктори	1 573 614
6.	Етакчи илмий ходим	
	илмий унвонга эга бўлган фан доктори	1 639 270
	илмий унвонга эга бўлмаган фан доктори	1 573 614
	илмий унвонга эга бўлган фан номзоди	1 495 952
7.	Катта илмий ходим	
	илмий унвонга эга бўлган фан номзоди	1 495 952
	илмий унвонга эга бўлмаган фан номзоди	1 419 176
	илмий даражага эга бўлмаган	1 344 109
8.	Кичик илмий ходим	
	фан номзоди	1 419 176
	илмий даражага эга бўлмаган (2 йилдан ортиқ илмий фаолият тажрибасига эга бўлган)	1 344 109
	илмий даражага эга бўлмаган (2 йилгача илмий фаолият тажрибасига эга бўлган)	1 269 666
9.	Тажриба орттирувчи тадқиқотчи	1 120 240